

### РОССИЯ НАВОИЙШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Сагторова Гулноз, ф.ф.н.  
noza1969@mail.ru

**Аннотация:** Бугун дунёнинг турли илм ва маърифат масканларида Алишер Навоий ижоди ва босиб ўтган ҳаёт йўлига бўлган қизиқиш, уларни тадқиқ этишга иштиёқ, шоир ижоди ва фаолияти инсониятга ва маърифатга хизмат қилишининг ноёб намунаси сифатида дунё адабий ва маданий ҳаётида кенг тарғиб этилиб ўрганилмоқда.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, маърифатпарварлик ҳамда давлатчилик фаолиятини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, мавжуд хорижий маълумотларни халқимизга етказиш мақсадида дунёдаги йирик кутубхоналар, адабиёт музейлари, илмий тадқиқот марказлари билан илмий ҳамкорликлар кундан кун ортиб бормоқда. Бу эса шоир ижодиёти дунё адабиётшунослигида қандай ракурсларда тадқиқ қилинаётганини кенгроқ билишга ва маҳаллий тадқиқотлар билан дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларни қиёслаш имконияти бердики, шубҳасиз, бу халқаро миқёсдаги илмий тадқиқотларни яратилиши, уларни янги сифат босқичига кўтаришга асос бўла олади.

Ушбу мақолада бугунги кунда Россия кутубхона ва музейларида сақланаётган шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ материаллар, олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** навоийшунослик, адабий алоқалар, қўлёзма нусхалари, тадқиқот, тасниф.

Бугун дунёнинг турли илм ва маърифат масканларида Алишер Навоий ижоди ва босиб ўтган ҳаёт йўлига бўлган қизиқиш, уларни тадқиқ этишга иштиёқ, шоир ижоди ва фаолияти инсониятга ва маърифатга хизмат қилишининг ноёб намунаси сифатида дунё адабий ва маданий ҳаётида кенг тарғиб этилиб ўрганилмоқда.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, маърифатпарварлик ҳамда давлатчилик фаолиятини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, мавжуд хорижий маълумотларни халқимизга етказиш мақсадида дунёдаги йирик кутубхоналар, адабиёт музейлари, илмий тадқиқот марказлари билан илмий ҳамкорликлар кундан кун ортиб бормоқда. Бу эса шоир ижодиёти дунё адабиётшунослигида қандай ракурсларда тадқиқ қилинаётганини кенгроқ билишга ва маҳаллий тадқиқотлар билан дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларни қиёслаш имконияти бердики, шубҳасиз, бу халқаро миқёсдаги илмий тадқиқотларни яратилиши, уларни янги сифат босқичига кўтаришга асос бўла олади. Навоий ижодини ўрганиш асносида яратилган илмий тадқиқотларни ўрганиш жуда кенг қамровли. Бугун дунё адабиётшунослик илмида “жаҳон навоийшунослиги” деган алоҳида тадқиқот йўналишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Алишер Навоийнинг ижоди ранг-баранглиги, замон ва маконларни ўз измига бўйсундирганлиги, сўз қудрати ва унинг гўзал ўзбекона ифодаси сифатида умумбашарият мулкига айланганлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Шоир ижодини ўрганиш, тадқиқ ва талқин этиш шоир ҳаётлиги даврларидаёқ бошланган бўлиб, ўтган беш асрдан кўпроқ вақт давомида сўз санъати билан шуғулланадиган кўплаб олим ва ижодкорлар турли шаклда унинг меросини ўқиб-ўрганиш ва бошқаларни ҳам баҳраманд қилишга ҳаракат қилганлар. Навоий ижодини бор бўй-басти билан, холислик ва илмийлик мезонларига мос ҳолатда ўрганиш ва ўргатиш имконияти истиқлол шарофати билан янада кенгайдик, бугун биз унинг ижодини нафақат ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида, балки дунё адабиётшунослигидаги талқин ва тадқиқлари билан танишиш, шоир ижодини ҳозирда ўрганувчи олимлар, таржимонлар, тадқиқотчилар билан бевосита мулоқотлар олиб бориш имкониятига эгамиз.

Алишер Навоий ижодиёти қандай ракурсада тадқиқ қилинаётганини кенгроқ билишга ва маҳаллий тадқиқотлар билан дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқотларни қиёслаш, уларни тадқиқ этиш мақсадида “Жаҳон навоийшунослиги электрон платформасини яратиш” мавзуида илмий лойиҳа бошлаган эдик.

Лойиҳа доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишларни бажариш, Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, маърифатпарварлик ҳамда давлатчилик фаолиятини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, мавжуд хорижий маълумотларни халқимизга етказиш мақсадида Россия Федерациясининг Москва, Санк-Петербург ва Уфа шаҳарларидаги кутубхоналар, илмий тадқиқот марказлари, архивлар ва музейларида илмий сафарда бўлдик. Йирик кутубхоналар, адабиёт музейларидаги манбаларни ўрганиб, архив маълумотларини йиғишга ҳаракат қилдик.

Сафаримизни Москва шаҳридан бошладик. Россия давлат кутубхонасида бўлиб Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, диссертация ва авторефератлар, мақолаларнинг каталоглари билан танишдик. Каталоглар билан танишиб шундай хулосага келиндик, Алишер Навоий ижоди Россия шарқшунослари томонидан бугун ҳам ўрганилиб келинмоқда. Бу каталоглардаги мақолаларнинг нашр йиллари, турли Олий ўқув юртларида бажарилаётган диссертация, битирув малакавий ишларининг бажарилаётганлигидан ҳам билиш мумкин.

Россия Фанлар академиясининг адабиёт институтида бўлиб шарқшунос олим А.Б.Куделин билан учрашдик. Учрашув давомида олимнинг шарқ адабий мероси, жумладан Алишер Навоий ижодига бўлган қарашлари ҳақида суҳбатлашдик. Олимнинг “Алишер Навоий нафақат туркийларнинг улуғ шоири, балки бутун дунё тан олган генеал шоирдир”, деган фикрлари билан улуғ шоир ижодига бўлган муносабатини билдирди. Суҳбатимиз давомида Ўрта Осиё шарқшунослари, навоийшунослари илмий ишларига юқори баҳо

берди. Навоий ижодини янада кенгроқ ёйиш, илмий тадқиқот марказларида, Олий ўқув юртларида Навоий ўқишлари, илмий конференциялар ташкил этиш лозимлиги ҳақида таклифлар бердики, бу катта олимнинг буюк шоир ижодига берган юксак баҳоси эди.

Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида фаолият олиб бораётган профессор И.Зайцевнинг Алишер Навоий ижоди бўйича олиб борган тадқиқот ишлари навоийшуносларимизга яхши таниш. Олимнинг Москва, Қозон кутубхоналари қўлёзма фондларида сақланаётган Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари каталоглари Россия навоийшунослигининг самарали натижаларидан биридир. И.В.Зайцев улуғ шоиримиз таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан Москвада нашр этилган “Рукописи Алишера Навои в собраниях Казани”<sup>1</sup> (каталог) китобини нашр эттирди. Бундай китоб бироз аввал шоир асарларининг Москвада сақланаётган қўлёзмалари асосида нашр этилган эди.

Санк-Петербург шаҳрига қилган илмий сафаримиз давомида ҳам Россия Миллий кутубхонаси, Шарқ қўлёзмалари институти ва Эрмитаж архивларида сақланаётган Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ маълумот талайгина. Айниқса, Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси фондларида шоир ижоди билан боғлиқ бой илмий манбалар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Россия Миллий кутубхонаси фондида Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ ҳали ўрганилмаган илмий тадқиқотлар, кутубхона каталогларидан жой олган турли йилларда бажарилган номзодлик ва докторлик диссертациялари, илмий мақолалар, таржималар фикримизнинг далилидир.

1941 йил шоир таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан “Литературная газета”, “Вечерный Ленинград” газеталари саҳифаларидаги турли илмий-оммабоп мақолалар, ўша даврда Навоий асарлари асосида ишланган фильмлар ҳақидаги тақризлар ҳали бирор илмий тадқиқотда таҳлилга тортилмаган ва ўрганилмаган.

Санк-Петербург шаҳрининг қалби бўлган Эрмитаж музей-мажмуасининг архивида сақланаётган илмий тадқиқотлар билан ҳам танишишдик. Таниқли олим М. Муродовнинг “Навоийшунослар жасорати” китоби таъкидланишича, бу музей архивида Алишер Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирлар, улар ҳақидаги ҳужжатлар сақланади, дейилган. Афсуски, биз китобда келтирилган барча маълумотларни музей архивида учратмадик. Лекин, музейнинг ўша пайтлардаги директори Б.Б. Пиатровскийнинг Навоий юбилейи муносабати билан ёзилган 20 саҳифадан ортиқ “вступительное слово

<sup>1</sup> Алишер Навои. Юбилейный альбом в честь 580-летия. Автор составитель И.В.Зайцев. Москва-Казань. 2021.

к заседанию отдела востока 12 декабря 1941 года...”<sup>2</sup> мақоласи ва унга қилинган иловалардан бошқа маълумотларни ўқиб юбилей ва унинг ўтказилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлдик. Мақола, унга илова қилинган Навоий юбилейига таклифнома, “Боевой листок” деворий газетасининг юбилей муносабати билан чиқарилган махсус сони сақланмоқда олдик.

Бизни ҳайратлантирган яна бир маълумот борки, бу Санк-Петербург яқинидаги Виборг шаҳридаги музейлардан бирида Алишер Навоий ҳайкаллари, ҳайкал муаллифига 1946 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан берилган фахрий ёрлиқлар ҳам сақланиб турибди.

Россия фанлар академиясининг Уфа филиали ва Бошқиртiston миллий кутубхонаси Фанлар академияси бўлимининг ноёб китоблар бўлими ва қўлёзмалар фондларида Алишер Навоий асарларининг “Ғаройибус сигар”и қўлёзмаси ва бир қатор асарларининг тошбосма нусхалари борлигининг гувоҳи бўлдик. Бошқиртiston Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган Алишер Навоийнинг турли йилларда нашр қилинган асарлари, шоир ижодига оид илмий тадқиқотлар, таржима асарлари мавжуд. Бошқиртistonлик шарқшунос олим И.Г. Галялитдиновнинг бир қатор мақолалари билан танишганимизда олимнинг *“Восточные рукописи и творческое наследие Алишера Наваи в Башкортостане”* мақоласи диққатимизни тортди. Мақолада ёзилишича, ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси Уфа филиали қўлёзмалар фондида бир қатор шарқ қўлёзмалари сақланади ва шулар орасида Алишер Навоий қаламига мансуб “Ғаройиб-ус сигар” ҳам сақланади. (В настоящее время в Научной библиотеке Уфимского научного центра РАН хранятся рукописное произведение «Гарайб ас-сигар» («Чудеса детства»; формат 35,6 x 57,8 см., 149 л., шифр рБ 1475) из большого сводного дивана «Хазайн ал-маони», *Восточные рукописи и творческое наследие Алишера Наваи в Башкортостане. Галяутдинов Ишмухамет Гильмутдинов*). Албатта, биз бу қўлёзмани кўришга муваффақ бўлдик, қўлёзманинг факсимел нусхаларини олиш ва уни нашр этиш билан боғлиқ масалаларни ҳар икки илмий тадқиқот институтлари билан келишган ҳолда навбатдаги вазифаларимиз режасига киритдик.

Шоир, ёзувчи, публицист ва таржимон Мустай Карим хонадонида бўлдик. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони бошқирд тилига қилинган таржимаси шоирнинг 11 жилдлик сайланма асарларининг 2-жилдига киритилганлигини кўриб қувондик. Бу таржималар Бошқиртistonда бир неча бор нашр қилинган.

<sup>2</sup> Пиотровский Б.Б.. Материалы к биографии. // СПб: Изд-во Гос. Эрмитажа. 2008. 784 с. 181-195.

Бошқирдистонда Алишер Навоий. ижодига қизиқиш ўтган асрнинг бошларида жуда кенг тарқалган. Ризо Фахриддинов, Аҳмад Заки Валидий, Н.Тихонов, И.Г.Галаятдинов, С.Кудаш сингари олим ва ижодкорлар шоир адабий меросини ўрганиш ва кенг ёйишга улкан ҳисса қўшдилар.

“Шўро” журналининг 1909 йил сонларининг бирида Р.Фахриддиновнинг “Алишер Навоий” мақоласи босилиб, унинг таржимаи ҳоли, адабий туркий тилни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги ислохотчилик фаолияти баён этилган. Олим ўз хулосаларини жамлаб, шундай ёзади: “... Навоий турк боласи мутлақ туркча ёзиш, ўқишни ўрганиши лозимдир, дея даъват этган. Буни билфёъл исбот этмоқ ва йўл кўрсатиш мақсадида бир қанча асарлар яратган. Шу жиҳатдан Алишер турк адабиётининг негизини қурган”<sup>3</sup>. Кузатишларимиз давомида амин бўлдикки “Шўро” журнали Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишда ҳамда Урал-Волга туркий китобхонлари орасида кенг тарғиб қилишда, бошқирд ва татар адабиётини ривожлантиришда катта рол ўйнаган.

Ҳозирда Россия Фанлар академиясининг Уфа илмий марказининг илмий кутубхонасида шоирнинг “Ғаройиб ас-сиғар” (“Болалик мўжизалари”; формати 35,6 x 57,8 см., 149 варақ, код РБ 1475)<sup>4</sup>, бир нечата девонлардан таркиб топган “Хазойин ул-маоний” (“Тафаккур хазинаси”), ва “Хамса”нинг литографик наشري (“Пятеритса”, Тошкент, 1905, 508-бет; код рБ1299) мавжуд. А.З.Валидий номидаги Миллий кутубхонада “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёра”; формати 26 x 15,5; 171 варақ, код 123/1226) достонининг Низомийнинг “Етти гўзал” асарига назира тарзида ёзилган, “Баҳром ҳикояти” (“Баҳром қиссалари”) номли шартли сарлавҳаси остида сақланувчи қўлёзма, Наманган шаҳрида Бобоҳон Муҳаммад Амин томонидан 1849 й.да кўчирилган Хусрав Деҳлавийнинг “Саккиз жаннат”и ва Н. “Хамса” (“Пятерица”, Тошкент, шрифт-литография Портсев, 1893; формат 25 x 44 ; 508 б., код 177/4566)сининг қўлёзмалари сақланади.

Вақтли матбуотда ҳам бошқирда ва рус тилларида Н. шеърларидан намуналар, шоир ҳақида кўплаб мақола, очерк, ўзбек тилида яратилган бадиий асарлардан қилинган таржималар нашр этилган

Таниқли олим проф. И.Галаятдинов мақолаларида таъкидлаганидек<sup>5</sup>, , Бошқирдистондаги Нодир қўлёзмалар марказида Алишер Навоий адабий мероси ҳозирда Бошқирдистондаги олий ўқув юртларида ўрганилади ва у ҳалигача туркий адабиётлар ривожига руҳан таъсир кўрсатмоқда.

<sup>3</sup> Р.Фахриддиновнинг “Алишер Навоий” . “Шўро” журнали, 1909 й.,7-сон, 514-бет.

<sup>4</sup> Галаятдинов И.Г. Восточные рукописи и творческое наследие Алишера Наваи в Башкортостане. – Проблемы востоковедения. 2011. № 3 (53). С. 43-46.;

<sup>5</sup> Галаятдинов И.Г. Описание восточных рукописей Института истории, языка и литературы. Ч. 1. Тюркские рукописи. Раздел первый. Произведения XII — начала XVIII века. Уфа: АН РБ, Гилем, 2009. — 2-е изд. Стереотип. 456 с.